

Қиз туғилишига аёллар сабабчими?

05:00 / 15.02.2017 3964

Яқинда тошкентлик бир қариндошимиз кўшнисининг дод-фарёд қилиб йиғлаётганини айтиб қолди. Айтишича, унинг бешта қизи бор экан. Олтинчисига ҳомиладор бўлгач, эри уни кўярда-қўймай «УЗД»га олиб борибди. Шифокорлар текшириб кўриб, туғилажак бола қизлигини аниқлабди. Бундан фиғони фалакка чиққан эр: "Бу болани олдириб ташлайсан, бўлмаса уйга қайтмайсан", деб туриб олибди. Ноилож қолган аёл кўзида ёш билан хўжайини иккаласи таниш гинекологга учрабди. Аёлгинани жони минг бир азобда қолиб, ҳомиласини олдирибди. Кейин гинеколог унинг ўғил бола эканлигини айтганида онаизор фарёд солиб, йиғлай бошлабди. Чунки у ўғлининг туғилмасиданоқ қотилига айланганди. Эр эса қилган ишидан мулзам бўлиб, нима дейишини билолмай қолибди.

—Куни кеча олдимга икки нафар қизчасини етаклаб ҳомиладор бир аёл маҳзун қиёфада кириб келди,—дея гап бошлади Қибрай шаҳарчаси Хотин-қизлар кўмитаси раисаси Раши-да Тошматова.—Ҳа, нима бўлди?—дея сўрадим аёлдан.

—Опажон, энди нима қиламан, эрим уйдан ҳайдаб юборди,—дея жувон йиғлаб юборди.

—Нимага ҳайдайди? Бу норасидаларни кўзи қандай қийди? Айбингиз нима экан?

—Кўриб турибсиз, икки фарзандим ҳам қиз. Ҳозир учинчисига ҳомиладорман. Яқинда эрим мени кўярда-қўймай «УЗД»га туширди. Дўхтирлар текшириб кўриб, ҳомилани "қиз" дейишди. Буни эшитган эримни фиғони фалакка чикди. Кейин "Менга ўғил, меросхўр керак. Эртага ўлсам тобутимни кўтарадиган ўғил туғиб берадиган хотин керак", дея нақ қиёмат қойим қилди. Мен хўжайинимга "Худойим ўғилми, қизми берса ҳам шукр қилинг. Тирноққа зорлар қанча. Эртага қизларингиз ўнта ўғилнинг ўрнини босади", десам устимдан мазахлаб кулди. "Учта қиз—учта гарнитур, яна қанча сарпо-суруқ дегани, мияси айниган кампир", деди. Хуллас бизни уйдан қувиб солди. Энди шу ҳолимда қандай қилиб ота-онамникига қайтиб бораман? Эшитганлар нима дейди? Айбим— қиз туққаннимми?—дея аёл янада қаттиқроқ йиғлай бошлади.

—Жон қизим тинчланинг. Фарзандингизнинг ўғил ёки қиз бўлиши сизга боғлиқ эмас. Ўзбегимнинг бир мақоли бор: "Нима эксанг шуни ўрасан". Бу гапни эркаклар унутмасалар бўлгани. Эҳтимол ҳомилангиз ўғилдир. Ахир

аппаратлар ҳар доим ҳам тўғри кўрсатавермайди. Яқинда тошкентлик бир қариндошимиз қўшнисининг дод-фарёд қилиб йиғлаётганини айтиб қолди. Айтишича, унинг бешта қизи бор экан. Олтинчисига ҳомиладор бўлгач, эри уни кўярда-қўймай «УЗД»га олиб борибди. Шифокорлар текшириб кўриб, туғилажак бола қизлигини аниқлабди. Бундан фиғони фалакка чиққан эр: "Бу болани олдириб ташлайсан, бўлмаса уйга қайтмайсан", деб туриб олибди. Ноилож қолган аёл кўзида ёш билан хўжайини иккаласи таниш гинекологга учрабди. Аёлгинани жони минг бир азобда қолиб, ҳомиласини олдирибди. Кейин гинеколог унинг ўғил бола эканлигини айтганида онаизор фарёд солиб, йиғлай бошлабди. Чунки у ўғлининг туғилмасиданоқ қотилига айланганди. Эр эса қилган ишидан мулзам бўлиб, нима дейишини билолмай қолибди.

Шунинг учун синглим, сиз йиғламанг. Унда кўра иродали, сабрли бўлинг. Қизни берган Худойим ўғилни ҳам беради, дея аёлни етаклаб кўчага чикдим.

Дарвозасини тақиллатдик. Эри чиқиб келди. Мени кўриб, хотинига қараб хумрайди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, у эркакни аввал роса мақтадим. Сал чиройи очилди. Ўтирганимиздан сўнг қизи бор оилалар ҳақида, қизларнинг меҳрибонлиги-ю ғамхўрлиги ҳақида хўп гапирдим. Фарзанднинг ўғил бўлиши асосан эркакка боғлиқлигини гап орасида қистириб ўтдим. Эркак ажаблангандек менга қаради. "Ишонмасангиз дўхтирлардан сўраб кўринг", дедим. Шундан сўнг хотинини энди ҳайдамасликка сўз берди.

У ердан қайтаётиб Мавжуда аммамнинг ҳаёти кўз олдимга келди. Аммамнинг умр йўлдоши 1941 йилда кўнгиллилардан бўлиб урушга кетган экан. Аммам қўлида уч ойлик қизалоғи ва катта ҳовлида қайнонаси билан ёлғиз қолган. Эрини садоқат билан кутиб, сув келса симириб, тош келса кемириб яшай бошлаган. Афсуски бир йил ўтиб, турмуш ўртоғидан қора хат келган. Аммо аммам бу хатга ишонмай, қачонлардир эри эшикдан кириб келишига ишониб, умид билан яшайверган.

Орадан йиллар ўтган. Бир куни аммамга акаси: "Ёлғиз қиз билан ёш умрингни беҳуда ўтқизмоқчимисан? Боланга ота керак", дебди.

Шунда аммам "Мен турмушга чиқсам фарзандимни олиб кетарман, аммо қайнонамнинг кўзларини жавдиратиб қаёрга ташлаб кетаман?"

У шўрликнинг ҳоли нима кечади.

Ёлғизгина ўғлидан айрилгани каммиди? Менсиз, неварасиз қандай яшайди?" дея саволга кўмиб ташлабди. Акаси эса шу-шу бу ҳақда оғиз очмайдиган бўлибди.

Аммам қизини еру кўкка ишонмай вояга етказибди. Сўнгра фарзандини

обру-эътиборли бир хонадонга узатибди. Ҳозир аммамнинг олти нафар невараси бор ва уларнинг барчаси уйли-жойли бўлишган. Хуллас, аммам ёшлигида қийналган бўлса, кексайганда қизининг ортидан роҳатини кўрди. Бир аёл ҳавас қилгулик бахтли ҳаётга эришди, орзу-мақсадларига етди. Ҳа, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Албатта, оилада ўғил ҳам, қиз фарзанд ҳам бўлгани яхши. Лекин Яратган Эгам ким нидир ўғилдан қисган бўлса, аёлда нима айб? Ўғил фарзанди бўлиб, бахтсиз яшаётган оилалар қанча. Аксинча, бугун ўғлидан эмас, қизидан кўраётган оилаларнинг сон-саноғи йўқ. Ота-боболаримиз бежизга ёшларга имон берсин деб айтишмаган.

Хонбиби ҲИММАТ қизи